



КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ОИД ЖАВОБГАРЛИКЛАР

Тошкент – 2024


Коррупция тушунчаси

- “Коррупция” сўзининг келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу термин латинча “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, пора эвазига оғдириб олиш, порага сотилиш, айниш, чириш каби маъноларни англатади.



Коррупция ҳақидаги қарашлар

- Коррупция - сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ходиса, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришидир.



Николло Макиавелли

Коррупция бу оммавий имкониятлардан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш

Коррупциянинг намоён бўлиши

- мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;
- давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавкеидан фойдаланиш;
- ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ҳ.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;
- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйик ўтказиш учун ўз хизмат мавкеидан фойдаланиш;
- мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиш;
- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ҳ.к.) учун хизмат мавкеидан фойдаланиш.



Тадқиқот мавзусининг долзарблиги

Коррупцияга қарши курашнинг замонавий тенденцияларини ўрганиш заруратининг юзага келаётганлиги

Коррупция натижасида вужудга келаётган муаммо ва таҳдидларнинг мамлакат ҳамда жамият равнақига таъсирининг мавжудлиги

Коррупцияни бартараф этиш ва унинг олдини олишда жавобгарлик чораларинининг муқаррарлигини таъминлашнинг зарурати

Ҳуқуқбузарлик тушунчаси

- **Ҳуқуқбузарлик** – ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи **ИЖТИМОЙ** **хавфли қилмишдир**.
- Бундай қилмий қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин.




Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари

- Жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли;
- Ҳуқуққа зид ҳарактерга эга;
- Айбли қилмиш;
- Зарарли оқибат келтириб чиқаради;
- Кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади ва бошқалар.




Ҳуқуқбузарликнинг таркибий элементлари

- **Объекти** – ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар.
- **Объектив томони** – ҳуқуқнинг бузилиши ва унинг ижтимоий хавфлилиги.
- **Субъекти** – ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар.
- **Субъектив томони** – ҳуқуқбузарлик оқибатидан келиб чиқадиган ижтимоий хавfli қилмишга бўлган онгли-руҳий муносабат.



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик



коррупция аломатларига эга бўлган, содир
этилганлиги учун қонунчиликда
жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ўз ичига **жиноий**
ва маъмурий ҳуқуқбузаликларни олади.

Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар

- **611-модда.** Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- **1931-модда.** Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- **1932-модда.** Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш.

Коррупцияга оид жиноятлар

- **167-модда.** Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (2-қисмининг “г” банди, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса);
- **168-модда.** Фирибгарлик (3-қисмининг “в” банди, хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса);
- **192⁹-модда.** Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш.
- **192¹⁰-модда.** Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш.
- **205-модда.** Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш.
- **209-модда.** Мансаб сохтакорлиги.
- **210-модда.** Пора олиш.
- **211-модда.** Пора бериш.
- **212-модда.** Пора олиш-беришда воситачилик қилиш.
- **213-модда.** Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш.
- **214-модда.** Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиш ёки манфаатдор бўлиши.
- **243-модда.** Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.
- **301-модда.** Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиб ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари).

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН
РАЊМАТ!**